
Киберхавфсизликни таъминлаш давр талаби

Ўзбекистон тумани Ички ишлар бўлими томонидан ҳамкор муассасалар билан биргаликда кибержиноятларни олдини олиш юзасидан аҳолининг кенг қатлами ўртасида туркум тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда.

Хусусан, ички ишлар бўлими профилактика инспекторлари ва соҳа ходимлари маҳаллаларда аҳоли вакиллари билан учрашиб, фуқароларимизни кибержиноят қурбонига айланиб қолишини олдини олиш, ҳисоб рақамлардаги пулларни ўмариш, пластикдан пул ечиш, ҳаволалар орқали адашиб кириб қолишдан ҳушёр бўлишлик ҳақида профилактик суҳбатлар ўтказиб, ҳамюртларимизга тарғибот материалларини тарқатишмоқда.

Тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳудудларда давом этяпти.

2025-01-22 13:48:59